

Иш рақами 1-1001-2405/67
Тафтиш инстанциясида
маърузачи судья: Ф.Халилов

Биринчи инстанция судининг
судьяси: С.Абдуганиев
Апелляция инстанциясида
маърузачи: судья Ф.Эргашев

ТОШКЕНТ ШАҲАР СУДИ ЖИНОЯТ ИШЛАРИ БЎЙИЧА СУДЛОВ ҲАЙЪАТИ ТАФТИШ ИНСТАНЦИЯСИНинг АЖРИМИ

2025 йил январь ойининг 10 куни, Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг тафтиш инстанцияси ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи судья: М.Юсупов,

судлов ҳайъати судьялари: М.Абидов ва Ф.Халиловдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси А.Бахромовнинг котиблигида, тарафлардан Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори У.Файзиев, судланган М.Расуловнинг манфаатларини ҳимоя қилган адвокат Ҳ.Ёрқуловнинг иштирокида, жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2024 йил 25 апрелдаги ҳукмига кўра:

1992 йил 9 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган, ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, “Узавтотранс бутлаш” МЧЖ бош ҳисобчиси бўлиб ишлаган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, 3-Чарх Камолон МФЙ, Навбахор кўчаси, 42-уйда яшаган, иш бўйича 2023 йил 20 ноябрдан буён қамолда сақланаётган Расулов Маърифхон Ориф ўғли (Rasulov Ma'rifxon Orif o'g'li)га нисбатан чиқарилган суд қарорлари устидан унинг адвокати Ҳ.Ёрқулов томонидан келтирилган тафтиш шикоятини асосида жиноят ишини тафтиш тартибида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2024 йил 25 апрелдаги ҳукмига кўра, М.Расулов Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди билан 8 йил, 184-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил, 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан 3 йил озодликдан маҳрум қилиш, 189-моддасининг 1-қисми билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 1 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 45-моддаси қўлланиб, 2 йил корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59, 61-моддалари



тартибида, 2 йил корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилган ҳолда 8 йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланган.

Судланган М.Расуловдан “Surxon Injenering Sanoat” МЧЖ фойдасига етказилган 900.000.000 сўм моддий зарар ундириш;

судланган М.Расуловдан Юнусобод тумани ДСИ орқали давлат фойдасига 142.771.400 сўм моддий зарар ундириш белгиланган.

Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов хайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 27 июндаги ажрими билан ҳукм ўзгаришсиз қолдирилган.

Суднинг ҳукмига кўра, М.Расулов ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш, солиқлар ёки бошқа мажбурий йиғимларни тўлашдан қасдан бўйин товлаш ҳамда савдо ва хизмат кўрсатиш қоидалари бузиш каби жиноятларини қуйидаги ҳолатларда қасдан содир қилган.

Хусусан, М.Расулов жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар билан олдиндан тил бириктириб, жиноят ишининг унга оид қисми айблилик масаласи ҳал қилинмай тугатилган А.Ерпулатовнинг номига “Performance Group” МЧЖни ташкил этиб, ушбу жамият номидан бухгалтерия ва молиявий-хўжалик фаолиятига оид барча ҳаракатларни бажариб, аслида олдиндан етказиб бермасликни мақсад қилган ҳолда, “Performance Group” МЧЖ ва “Surxon injenering Sanoat” МЧЖ ўртасида арматура маҳсулоти етказиб бериш бўйича 2022 йил 15 сентябрда шартнома тузиб, ушбу шартномага асосан “Surxon-Injenering-Sanoat” МЧЖнинг ҳисоб рақамидан “Performance Group” МЧЖ ҳисоб рақамига олдиндан тўлов сифатида 900.000.000 сўм пул маблағларини тушириб олишга эришиб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритилган ўзганинг мақсадли йўналтирилган жуда кўп миқдордаги пул маблағларининг 600.000.000 сўмини жамият раҳбари А.Ерпулатовнинг номига очилган корпоратив ва иш ҳақи банк карталарига, 207.573.002 сўмини “Miso Exclusive” МЧЖга, 84.456.000 сўмини “Info Semantik” МЧЖга ўтказиб, қолган 7.970.998 сўмини жамиятнинг банк хизматлари ва бошқа мажбурий тўловларига йўналтириб, банк карталари ва учинчи жамиятларга ўтказиб берилган пулларни нақдлаштириб, жиноий шериклари билан бирга ўз эҳтиёжлари учун сарфлаб юборган.

М.Расуловнинг жиноий ҳаракатлари натижасида “Surxon injenering Sanoat” МЧЖга 900.000.000 сўм миқдоридаги моддий зарар етказилган.

М.Расулов, жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар билан олдиндан тил бириктириб, ягона қасд билан қамраб олинган жиноий мақсадини амалга ошириш мақсадида, А.Ерпулатовнинг номига 2022 йил 8 июнда “Performance Group” МЧЖни



ташқил этиб, жамият директори А.Ерпулатовнинг номидан иш ҳақи ва корпоратив банк карталарини очиб, шунингдек, жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти билан боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш учун ваколат берувчи қалбаки 1-сонли ишончномани расмийлаштириб, ушбу сохта ишончнома ёрдамида АТБ “Ipoteka bank” Тошкент шаҳар филиалида А.Ерпулатовнинг номига кейинчалик пул маблағларини нақдлаштириб олиш учун имкон берадиган иш ҳақи ва корпоратив пластик карталарни расмийлаштириш учун берилган аризани сохталаштириб, банк карталарини очтиришга ва “Surxon-Injineriing-Sanoat” МЧЖдан мақсадли келиб тушган пулларни ушбу карталарга ўтказилишига эришган.

М.Расулов, жиноят ишининг уларга оид қисми алоҳида иш юритувига ажратилган шахслар билан олдиндан тил бириктириб, “Surxon injenering Sanoat” МЧЖдан арматура маҳсулотни етказиб бериш учун “Performance Group” МЧЖга ўтказиб берилган 900.000.000 сўм пул маблағларига маҳсулотлар сотиб олмасдан, ушбу маҳсулотларни амалдаги қонунчиликка мувофиқ жамият балансига кирим қилмасдан, улар бўйича тегишли ҳисоб-фактураларини тузмасдан, шунингдек, банк карталари ва учинчи жамиятларга ўтказиб берилган пулларни нақдлаштиргандан сўнг, уларни жамиятга хизмат кўрсатувчи банкка топширилмаганлиги натижасида товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган ҳамда кўп миқдордаги 142.771.400 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаган.

Адвокат Ҳ.Ёрқулов тафтиш шикоятда, судланган М.Расуловга нисбатан чиқарилган суд қарорларидан норозилигини билдириб, суд томонидан М.Расуловнинг айбсизлиги ҳақидаги важларига баҳо берилмасдан шошма-шошарлик билан барвақт хулосага келингани, М.Расулов ўзининг айбсиз эканлигини исботлаши шарт эмаслиги, қонунга кўра айби исботланган ижтимоий хавфли қилмишлари учунгина жавобгарликка тортилиши, жиноят ишида унинг айбини исботловчи далиллар мавжуд эмаслиги ҳақида важлар келтириб, М.Расуловга нисбатан чиқарилган суд қарорларини бекор қилишни сўраган.

Тафтиш инстанцияси суди, иш бўйича судья Ф.Халиловнинг маърузасини, Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим прокурори У.Файзиевнинг суд қарорларини ўзгаришсиз, шикоятни қаноатлантirmасдан қолдириш ҳақида, судланган М.Расуловнинг адвокати Ҳ.Ёрқуловнинг шикоят важларини қувватлаб, қаноатлантириш ҳақида билдирган фикрларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини атрофлича ўрганиб чиқиб, қуйидагиларга кўра, суд қарорларини ўзгартиришни лозим топади.

Судланган М.Расуловнинг айби, гарчи судда айбига иқрорлик билдирмасдан кўрсатув берган бўлса-да, жабрланувчи ва гувоҳларнинг уни



айбини фош этиб берган кўрсатувлари, жабрланувчи У.Туроповнинг қонуний чора кўришни сўраб ёзган аризаси, тергов олди ҳаракатлари давомида ёзилган тушунтириш хатлари, “Performance Group” ва “Surxon injenering Sanoat” МЧЖлар ўртасида арматура маҳсулоти етказиб бериш юзасидан 2022 йил 15 сентябрда тузилган шартнома, банк сирини ташкил қилувчи банк айланмалари ҳақида маълумот ва бошқа ҳужжатлар, телефон сўзлашувлари рўйхатлари, судга оид хатшунослик экспертизаси хулосалари, шахсни фотосуратдан таниб олиш баённомаси, “Performance Group” МЧЖнинг молиявий фаолияти юзасидан ўтказилган ҳужжатли тафтиш хулосаси ва унга илова қилинган ҳужжатлар, юзлаштириш баённомалари ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд жараёнида ЖПКнинг 95-моддаси тартибида текширилган ва баҳоланган объектив далиллар йиғиндиси билан исботланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2018 йил 24 августдаги “Далиллар мақбуллигига оид жиноят-процессуал қонуни нормаларини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 24-сонли қарорида белгилаб қўйилган шартларга мувофиқ, мазкур жиноят иши юзасидан тўпланган ва суд тергови жараёнида текширилган юқорида қайд этилган далиллар суд томонидан мақбул ва қонуний деб топилади.

Шу билан бир қаторда, шикоятда келтирган, М.Расуловнинг айбсизлиги, фирибгарлик жиноятини содир этмагани, у фақатгина бошқа шахснинг илтимосига кўра жамиятга бухгалтерия хизматини кўрсатиб берганлиги ҳақидаги важларига баҳо бериб, қуйидагиларни инобатга олади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суд Пленумининг 2023 йил 23 июндаги “Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 17-сонли қарорининг 4-бандида, фирибгарликда алдаш деганда, айбдор томонидан, била туриб, ҳақиқатга тўғри келмайдиган ёлғон маълумотлар хабар қилиниши ёки иш ҳолати бўйича мулкдор, мулкнинг бошқа эгасига маълум қилиниши лозим бўлган ҳақиқий фактларни яшириш ёхуд бундай шахсларни янглиштиришга қаратилган қасддан содир этилган ҳаракатлар тушунилиши;

8-бандида, агар шахс ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни мазкур мулк ёки ҳуқуқ унга берилиши шarti билан боғлиқ мажбуриятларни бажармаслик ниятида олган ёки эгаллаган бўлса, қилмиш айбдорда ўзганинг мулкни ёки унга бўлган ҳуқуқни қўлга киритишга нисбатан қасд фақат ўзганинг мулки ёки унга бўлган ҳуқуқ қўлга киритилгунга қадар пайдо бўлган ҳолдагина фирибгарлик сифатида квалификация қилиниши лозимлиги, ўзганинг мулкни талон-торож қилишга қаратилган қасд мавжудлиги тўғрисида, жумладан, айбдор томонидан сохта ҳужжат ёки кафолат хатларидан фойдаланиш, қарз мавжудлиги ёки мулк гаров остидалиги тўғрисидаги маълумотни яшириш,



битимда тарафлардан бири сифатида иштирок этиши учун сохта корхона (ташкilot) тузилиши, кредит маблағларидан мақсадга зид фойдаланиш ёхуд уларни нақдлаштириш кабилар гувоҳлик бериши мумкинлиги, қайд этилган ҳолатлар ўз-ўзидан шахсни фирибгарлик содир этишда айбдор деб топиш учун асос бўлмаслиги, шу туфайли, шахнинг ўз мажбуриятларини била туриб бажариш нияти бўлмаганлиги ҳар бир муайян ҳолда ишнинг барча ҳолатларидан келиб чиқиб аниқланиши шартлиги, агар шахс ўзаро ихтиёрий ёзма битим, келишувлар (қарз шартномаси, тилхат, кафолат хати ва бошқалар) асосида ўз зиммасига олган мажбуриятларини уни ижро этиш жараёнида юзага келган айрим объектив сабабларга кўра (масалан, мулкий ночорлиги, шартнома тузишда тарафлар учун асос бўлган вазиятнинг жиддий ўзгариши, оғир касаллиги, фавқулодда ҳолат туфайли) бажара олмаса ёки ўзганинг мулкани эгаллашга нисбатан қасд мавжудлигини исботлашнинг имкони бўлмаса, бундай ҳолатлар фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиққан низо сифатида баҳоланиб, фуқаролик, иқтисодий суд иши юритуви тартибида ҳал этилиши ҳақида тушунтиришлар берилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланган М.Расулов бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, жиноят ишининг бир қисми тугатилган А.Ерпулатовнинг номига ташкил этилган “Performance Group” МЧЖ номидан бухгалтерия ва молиявий-хўжалик фаолиятига оид барча ҳаракатларни бажариб, жамиятнинг молиявий-хўжалик фаолияти боғлиқ юридик аҳамиятга эга ҳаракатларни амалга ошириш учун ваколат берувчи қалбаки 1-сонли ишончномани расмийлаштириб, ушбу сохта ишончнома ёрдамида АТБ “Ipoteka bank” Тошкент шаҳар филиалида А.Ерпулатовнинг номига кейинчалик пул маблағларини нақдлаштириб олиш учун имкон берадиган иш ҳақи ва корпоратив пластик карталарни расмийлаштириш учун берилган аризани сохталаштириб, банк карталарини очтиришга эришиб, шундан сўнг, аслида олдиндан етказиб бермасликни мақсад қилган ҳолда, “Performance Group” МЧЖ ва “Surxon injenering Sanoat” МЧЖ ўртасида арматура маҳсулоти етказиб бериш бўйича 2022 йил 15 сентябрда шартнома тузиб, шартномага асосан “Surxon-Injinereng-Sanoat” МЧЖ томонидан “Performance Group” МЧЖ ҳисоб рақамига олдиндан тўлов сифатида 900.000.000 сўм пул маблағларини тушириб олишга эришиб, ушбу маблағлардан 600.000.000 сўмини А.Ерпулатовнинг номига очилган корпоратив ва иш ҳақи банк карталарига, 207.573.002 сўмини “Miso Exclusive” МЧЖга, 84.456.000 сўмини “Info Semantik” МЧЖга ўтказиб, улар орқали пул маблағларини нақдлаштиришиб, амалда “Surxon-Injinereng-Sanoat” МЧЖга ҳеч қандай маҳсулот етказиб бермасдан ва пулларни қайтариш чораларини кўрмасдан, мазкур пул маблағларини фирибгарлик йўли билан қўлга киритиб, ўз эҳтиёжларига сарфлашиб, пул маблағларини жамиятга хизмат кўрсатувчи банкка топширмаганлиги



натижасида товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузган.

Юқорида қайд этилган далиллар судланувчи М.Расуловнинг келтирган айбсизлиги ҳақидаги важларини тўлиқ инкор қилади.

Бундай ҳолатда, биринчи инстанция суди томонидан М.Расуловнинг фирибгарлик, яъни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг жуда кўп миқдордаги мулкани қўлга киритишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди;

товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузишда ифодаланган ҳаракатлари 189-моддасининг 1-қисми;

бир гуруҳ шахслар томонидан, сохталаштирувчининг ўзи фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган расмий ҳужжатларни тайёрлаш, расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш, шундай мақсадларда корхона, муассаса ва ташкилотнинг қалбаки бланкаларини тайёрлашда ифодаланган ҳаракатлари 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тўғри квалификация қилинган.

Бироқ, биринчи инстанция суди томонидан М.Расуловнинг ҳаракатлари ЖК 184-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан нотўғри квалификация қилган.

Хусусан, М.Расуловга алдаш ва ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан қўлга киритган 900.000.000 сўм пул маблағларига маҳсулотлар сотиб олмасдан, ушбу маҳсулотларни жамият балансига кирим қилмасдан, тегишли ҳисоб-фактураларини тузмасдан, шунингдек, банк карталари ва учинчи жамиятларга ўтказиб берилган пулларни нақдлаштиргандан сўнг, уларни жамиятга хизмат кўрсатувчи банкка топширилмаганлиги натижасида товарлар савдоси ва хизмат кўрсатиш қоидаларини жуда кўп миқдордаги қийматда бузганликда ва кўп миқдорда 142.771.400 сўм солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасдан бўйин товлаганликда айбланган.

Яъни, фирибгарлик йўли билан қўлга киритган маблағлари учун солиқ ҳисобланган.

Жиноий йўл билан қўлга киритилган мулк қандай мақсадларда сарфланганлигидан қатий назар унга қўшимча солиқ ҳисобланиши мантиққа зиддир.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 23-моддасида, айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги, қонун қўлланилаётганда келиб чиқадиган шубҳалар ҳам судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши белгиланган.

Шу боис, судлов ҳайъати М.Расуловнинг айбловидан Ўзбекистон



Республикаси ЖК 184-моддаси 2-қисмининг “б” бандини чиқаришни лозим топади.

Тафтиш инстанцияси суди, адвокат Ҳ.Ёрқуловнинг тафтиш шикоятда келтирилган важларини атрофлича муҳокама қилиб, биринчи инстанция суди жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарори тушунтиришларига амал қилиб, М.Расуловнинг шахси, муқаддам судланмаганлиги каби енгиллаштирувчи ҳолатларни инобатга олиш билан бирга, етказилган зарарнинг қопланмаганлиги, содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини эътиборга олиб, ЖК 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди, 189-моддасининг 1-қисми ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди санкция доирасида жазо тайинлаб тўғри хулосага келганлиги сабабли, ушбу моддалар билан жазо тайинлаш қисмини ўзгаришсиз қолдиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 521⁴, 521⁶-моддаларига амал қилиб, тафтиш инстанцияси суди

а ж р и м қ и л д и:

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2024 йил 25 апрелдаги Расулов Маърифхон Ориф ўғли (Rasulov Ma'rifxon Orif o'g'li)га нисбатан чиқарган ҳукми ҳамда Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясининг 2024 йил 27 июндаги ажрими ўзгартирилсин.

Расулов Маърифхон Ориф ўғли (Rasulov Ma'rifxon Orif o'g'li) Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси 2-қисмининг “а” банди билан айбсиз деб топилиб, ЖПКнинг 83-моддаси 1-бандига асосан реабилитация қилинсин.

Судланувчи Расулов Маърифхон Ориф ўғлига Ўзбекистон Республикаси 168-моддаси 4-қисмининг “а” банди, 189-моддасининг 1-қисми ва 228-моддаси 2-қисмининг “б” банди билан тайинланган жазолар аслича қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 59, 61-моддалари тартибида, тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташ учун 2 йил корхона, муассаса ва ташкилотларда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинган ҳолда 8 (саккиз) йил 2 (икки) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ҳукмнинг судланувчи М.Расуловдан Юнусобод тумани ДСИ орқали давлат фойдасига 142.771.400 сўм миқдорида моддий зарар ундириш қисми бекор қилинсин.



Суд қарорларининг қолган қисми ўзгаришсиз қолдирилсин.

Шикоят қисман қаноатлантирилсин.

Ажримдан норози тарафлар Ўзбекистон Республикаси Олий судига тафтиш тартибида шикоят беришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

/имзо/

М.Юсупов

Ҳайъат судьялари:

/имзо/

М.Абидов

/имзо/

Ф.Халилов

Ажрим нусхаси аслига тўғри, судья:

